O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил
5 август
ШАНБА

№ 61
(11.864)

1928 йил 11 декабрда асос солинган • Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси • Эркин нархда сотилади




## 1. МЎЪЖАЗ ШАҲАР МЎЪЖИЗАСИ

**Вилоятимизнинг диққатга сазовор, мавқе қозониб, тилга тушган гўшалари кўп. Улар орасида Оҳангарон шаҳрининг алоҳида ўрни, салоҳияти бор. Азалдан ҳудудга бетакрор сулувлигу ҳаётбахш иқлим ато этилган. Шаҳар Чотқол ва Қурама тоғ тизмалари ҳамда азим Оҳангарон дарёси оралиғида жойлашгани боис, табиатида ўзгача софлик, мусаффолик бор. Бу ердан оқиб ўтувчи Хожабаланд ва Хонариқ анҳорлари шаҳарга файз-тароват билан бирга, қандайдир тинчлик ва сокинлик бахш этиб турадигандек...**



# Оҳангарон шаҳри: ҲАР ГЎШАСИДА ФАЙЗ, ЛАҲЗАСИДА ШИЖОАТ

Меҳнаткаш, ҳалол, аҳил-иноқ оҳангаронликлар ўз ғайрат-шижоатлари, эзгу мақсад, юксак марралар сари ташлаётган дадил одимлари билан шаҳар кўрки, нуфузи ва салоҳиятини юксалтириб келаяптилар, десак хато қилмаган бўламиз.

Халқимизнинг бундан 15 йил аввал қўлга киритган тарихий ютуғи — миллий Мустақиллигимиз бу ерда ҳам янги-янги имконият ва ислоҳотлар учун йўл очди. Шу фурсат ичида ўтган ҳар бир лаҳза шаҳар ҳаётида, одамлар турмуш тарзида муносиб из қолдирди. Ташкил этилганига бу йил 40 йил тўлган Оҳангарон шаҳри, таъбир жоиз бўлса, айнан Мустақиллик йиллари ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий жиҳатдан шаклланди, барқарор ривожланиш йўлига тушиб олди.

Мўъжаз шаҳардаги 20 та маҳаллада 31 мингдан ортиқ киши истиқомат қилади. Кўп миллатли аҳолини ўзаро бирлаштириб, боғлаб турадиган ягона куч равнақ ва ривожланиш йўлидаги масъуллик ҳамда собитқадамликдир, десак муболаға бўлмайди. Хусусан, шаҳарда саноат, қурилиш, алоқа, тадбиркорлик тармоқлари тез суръатлар билан ривожланиб бораётгани ҳам шундан.

Иқтисодий юксалиш ҳақида гап борганда Оҳангарон номини нафақат вилоят ёки мамлакатимиз, балки узоқ-яқин хорижга ҳам таратган йирик саноат корхоналарини тилга олиш жоиз. Бугун «Оҳангаронцемент»,



«Оҳангароншифер», «Оҳангаронранглицемент», «Оҳангарондон» корхоналари тўла қувват билан ишлаб тургани, маҳсулотларга ички ва ташқи бозорда талаб ортаётгани, айнан шу саноат тузилмалари томонидан ўтган 2005 йил давомида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми 86,9 миллиард сўмга етгани қувонарлидир. Айни вақтда мамлакатимизда тадбиркорлик, шерикчилик ва ҳамкорликнинг рағбат топаётгани бу корхоналарда ҳам изчил ислоҳотлар, янги лойиҳалар учун йўл очмоқда.

Кейинги йилларда аҳолига савдо ва маиший хизмат кўрсатишнинг ҳам янги тизими тўла шаклланди. Айни пайтда савдо шахобчалари давлат тасарруфидан чиқиб, хусусий мулкчилик шаклида фаолият юритаётир. Кичик бизнеснинг улуши ортиб, чакана савдо айланмаси 20,5 миллион сўмга етди. Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми эса йилига 1,4 миллиард сўм атрофида бўлмоқда.



Шаҳар ижтимоий ҳаётининг яна бир эътиборга молик жиҳати, Бандлик дастурида белгиланган вазифалар изчил ижро этилиб, аҳолининг иш билан таъминланиши, меҳнат муҳофазаси борасидаги муаммолар тўлиқ бартараф этилди. Хусусан, ўтган йили дастурда белгиланганидек, турли тармоқлар бўйича қўшимча 956 та янги иш ўринлари яратилди. Бунинг учун 478,6 миллион сўм маблағ сарфланди.

Бунда, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланаётгани муҳим омил бўлмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида 73 та ана шундай субъектлар рўйхатга олиниб, фаолият бошлади. Ҳозирга келиб шаҳарда иш юритаётган корхона ва микрофирмалар 500 тадан ошди. Уларнинг 448 таси хусусий мулкчилик шаклидадир.

Ташқи иқтисодий фаолиятда ҳам ўзаро ҳамкорлик самаралари бўй кўрсатмоқда. Биргина 2005 йилнинг ўзида ташқи савдо айланмаси 21616,3 минг АҚШ долларини ташкил этиб, экспорт ҳажми 5218,7 минг долларга етди.

— Хорижий инвесторлар ҳамкорлигида 7 та қўшма корхона иш олиб бормоқда, — дейди шаҳар ҳокими Абдуғаффор Маннопов. — Улар орасида компьютер техникаларини йиғиш ва созлашга ихтисослашган «Mikros» Ўзбекистон-Исроил, «Koinot modern plast» Ўзбекистон-Россия, оҳак ишлаб чиқарувчи «Импульс» Ўзбекистон-Германия, сантехника воситалари тайёрловчи «Zorlu plast» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхоналари алоҳида довруқ қозониб улгурди. Уларда йилига сал кам 4,5 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, харидорлар қўлига етиб бормоқда. Бу ва бошқа тармоқларнинг ривожланиши эвазига ўтган йили шаҳар бюджети 10,7 миллиард сўм фойда кўрди.

Эришилаётган муваффақиятларнинг негизида истиқлол яратаётган имкониятлар ва улардан руҳланаётган одамларнинг меҳнатга, самарадорликка бўлган интилиш ва иштиёқи мужассам эканлиги шубҳасиз. Чиндан ҳам тарихан қисқа вақт ичида ҳар соҳада ўзгариш ва янгиланиш бор. Бинобарин, энг азиз ва энг улуғ айёмимизга ўзгача шукуҳ билан тадорик кўрилаётган айни кезларда қўлга киритилаётган залворли ютуқларимизни ҳар қанча эътироф этсак, фахрлансак арзийди.

*Халқаро танлов*

## КАМАЛАКДАН РАНГ ОЛГАН ДУНЁ

**Вилоятда ногиронлик масалаларига бағишланган XI халқаро семинар ва Марказий Осиё бўйича ногирон болалар ўртасида «Мафтункор ранглар дунёси» бадиий кўрик-танлови ўтказилди.**

Бу танловга қўйилган расмларни ҳаяжонсиз кўздан кечира олмайсиз. Улар турли мамлакатлардан келган ногирон болалар томонидан Кореянинг «Енграг» жамғармаси шафелигида «Енг Нак» реабилитация марказида ҳозиргина чизилган. Ногирон болаларнинг XI халқаро танловида вилоятимизда камол топаётган саккиз ёш рассом — вилоят босқичи ғолиблари иштирок этишди. «Сайёрамизга — тинчлик» номинацияси бўйича чинозлик Зуҳра Анварова, чирчиқлик Асал Доспанова, янгийўллик Гузана Галимовалар, «Дўстлик учун» номинацияси бўйича паркентлик Умида Худойберганова, «Ватанга муҳаббат» номинацияси бўйича янгийўллик Нодира Холдорова, қибрайлик Александра Плотникова, юқоричирчиқлик Амирхон Ғуломқодировнинг чизган суратлари ғолиб топилди.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари Наримон Ҳайтқулов қатнашди.

**Зулхумор ЖЎРАЕВА.**

*Замондош*

## ДАРДИНГИЗНИ ОЛАЙ, АЁЛЛАР!

**Кун бўйи одамларнинг дардига даво излаб, хаста жонларга ором бағишлаган аёл уйга ҳорғин қайтди. Йўлларига кўз тикиб ётган 18 ёшли ўғли Ҳасанжоннинг пешонасидан ўпиб, ҳол-аҳвол сўради:**
**— Болажоним, зерикмадингми?**

Ёшлигидан ўзгалар парваришига муҳтож бўлиб қолган жигарбандига боқиб туриб, ҳаётнинг беаёв синовлари ҳақида ўйлаб кетди, ўғлига сездирмай чуқур тин олди. «Эҳ болам-а, ўзгалар дардига даво топдим-у, сенинг дардингни аритолмадим».

Ҳаётда тўрт мучаси соппа-соғ фарзандидан воз кечиб, аро йўлда қолдириб кетадиган бағритош оналар ҳам учраб туради. Шундайлар олдида умрини фақат эзгуликка бағишлаган, ўзи ёниб, ўзгалар йўлини ёритадиган, уларга ҳаёт бағишлаётган инсонни ҳазрати аёл дея атагимиз келди. Қуйида Чотқол қурама тоғлари бағрида ўсиб-унган оддий қиз, тўрт фарзанднинг фидойиси, том маънодаги халқ шифокори, янгиободлик Ўрингул Нурматова ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

— Тақдири азалнинг ҳукмига шукр қилмай илож йўқ, — дейди Ўрингул. — Ўша, 1960 йили ёруғ дунёни англаб-англамай, мурғак кўзларимни очиб улгурмай туриб, тақдиримга шифокор бўлиш қисмати битилган бўлса ажаб эмас. Не-не умидлар билан мени дунёга келтирган, орзулари армонга айланиб оналик бахтининг сururидан бебаҳра кетган онажоним-а!

Лекин, шундай қизни дунёга келтирган онаизорнинг руҳлари шод, доимо Ўрингулни яхшиликка ундаб турувчи маъвога айланган. Яхши одамларнинг шарофати билан ўсиб-улғайган, вояга етган Ўрингул шифокор бўлиш аҳдида қатъий турди. Ниҳоят, уч йил деганда талабалик бахти насиб этди. Тошкент тиббиёт институтининг 2-даволаш факультетини тугатгач Янгиобод туғруқхонасида ишлай бошлади.

— Аёллар билан ишлаш, уларнинг дарди-дунёси, ҳаётдаги ўрни, оналик бахтию бу йўлдаги машаққатлари ҳақидаги фикримни, тасаввуримни янада бойитди, — дейди шифокор. — Нақадар фидойи, кучқудратли, айни дамда ўта нозик, эътиборга, ҳимояга муҳтож инсонлар. Касаллиги жиддий бўлса ҳам, кўпинча оиласи, фарзандлари ташвишида ўзини, ўзлигини унутиб қўядиган аёлларимизга: «Ўзингизни асранг, ҳали жуда кўп керак бўласиз», дейман. Тўғри-да, «аёл уйнинг чироғи» деб бежиз айтишмаган.

(Давоми 2-бетда).

## БРЕМЕНДА ДАВРА СУҲБАТИ

**Германиядаги Бремен университетида "Ўзбекистон ўлим жазосини бекор қилиш йўлида" номли давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Тадбир юртимизнинг Берлиндаги элчихонаси ва Бремен университетининг ҳуқуқшунослик факультети ташаббуси билан ташкил этилди.

Тадбирни очар экан, Бремен университетининг Европа ҳуқуқи кафедраси мудири, профессор Х. Лихтенберг Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимининг ислоҳ қилиниши, жиноят ҳуқуқининг либераллаштирилиши ва ўлим жазосининг бекор қилинажаги тўғрисида иштирокчиларга маълумот берди. Унинг таъкидлашича, давлат раҳбариятининг ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги қарори демократик ҳуқуқий тизимни мустаҳкамлашдаги муҳим қадамдир. Сўнгги вақтларда мамлакатда ўлим жазосининг ижро этилмаётгани, инсонпарварлик тамойилларига содиқликдан ва миллий жиноят қонунчилигини ислоҳ этишга бўлган интилишдан далолатдир. Х. Лихтенберг юртимизнинг инсонпарварлик тамойиллари, уни қонунчилик асосида мустаҳкамланган давлатлар гуруҳига олиб кириш, Ўзбекистон ҳукуматининг ушбу қадамини қутлаш лозимлигини алоҳида қайд этди.

**Маҳмуд БОБОНАЗАРОВ,**
**«Жаҳон» АА.**

**Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Корея Республикаси Миллий Ассамблеясининг (парламент) Миллий сиёсат масалалари қўмитаси раиси Бёнг Сог Пак раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Э. Халилов билан учрашди.**

## ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА УЧРАШУВ

Мулоқот чоғида мамлакатларимизнинг ҳамкорлиги барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, Президент Ислом Каримовнинг жорий йил март ойида Корея Республикасига давлат ташрифи ўзаро муносабатларимизда янги саҳифа очгани алоҳида қайд этилди.

Томонлар икки мамлакат олий қонун чиқарувчи органлари ҳамкорлигининг бугуни ва истиқболига оид масалалар юзасидан фикр алмашдилар. Бу борадаги ҳамкорлик стратегик шериклик тамойилларига мос равишда ривожланиб бораётгани таъкидланди.

Меҳмонлар Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар, икки палатали парламент фаолияти билан яқиндан танишдилар.

**ЎзА.**

## САХОВАТНИНГ ҚАДАМИ УЗУН

**«Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Давлат дастурига мувофиқ Мустақиллик байрамига бағишлаб ҳамда «Экология ва саломатлик кунлари»нинг иккинчи босқич тадбирларини амалга ошириш мақсадида ташкил этилган «Экосан» саломатлик поезди Қорақалпоғистон Республикасида сафарда бўлди.**

«Экосан» халқаро ташкилоти, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси ташаббуси билан бу ерга 350 миллион сўмлик инсонпарварлик юки олиб келинди.

Саломатлик поезди сафари якунларига бағишланган учрашувда таъкидланишича, инсонпарварлик ёрдамлари Қорақалпоғистон Республикасидаги даволаш ва профилактика объектларига, Қўнғирот сув тармоқлари бошқармасига, Савицкий номидаги санъат музейига, Республика болалар ёзги дам олиш ва даволаниш марказига ҳамда кам таъминланган оилаларга топширилган. Шифокорлар туман ва шаҳарлардаги тиббий ёрдамга муҳтож бўлган 3234 нафар беморни кўрикдан ўтказишди. 11 марта жарроҳлик операцияларини амалга оширишди.

**Хуршида НАЗАРОВА.**

**ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ**

### ҚИЁФАСИ БУТКУЛ ЎЗГАЧА

**Чиноз туманидаги 9-умумтаълим мактаби янги ўқув йилидан бошлаб ўқувчиларни бутунлай ўзгача қиёфада қабул қиладиган бўлди.**

Мактаб биносини капитал таъмирлаш ҳамда қўшимча ўқув корпусини қуриш учун 407 миллион сўмлик маблағ ажратилган. Қўшимча бино 310 ўринга мўлжалланган бўлиб, барча шарт-шароитлар яратилмоқда.

**Феруза ТЎРАЕВА.**

**Қуйичирчиқ тумани Ўзбекистон беш йиллиги қишлоқ фуқаролар йиғинида репродуктив саломатлик бўйича очиқ мулоқот ўтказилди.**

### САЛОМАТЛИК ҲАҚИДА СЎЗ

Ҳудуддаги хотин-қизлар ва маҳалла фаоллари иштирок этган ушбу тадбирни туман репродуктив саломатлик маркази ташкил этди. Мулоқот давомида замонавий контрацепция усуллари, йод танқислиги ҳамда камқонликнинг олдини олиш масалаларига тўхталинди.

Тадбир сўнгида йиғилганлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоблар олишди.

**Ҳуррият МЎМИНОВА.**

### БОҒНИНГ ЎЗ ФАВВОРАСИ БОР

**Бекобод тумани маркази — Зафар шаҳарчасида янги маданият ва истироҳат боғи бунёд этилди.**

3 гектар майдонни эгаллаган боғ марказида улкан фавворалар мажмуаси, очиқ саҳна, спорт майдончалари ва болалар учун бир қанча аттракционлар ўрнатилган.

Мазкур боғ Мустақилликнинг 15 йиллик шодиёнасига металлургларнинг муносиб совғаси бўлди.

**Ибодилла МЎМИНОВ.**

**Чирчиқ шаҳрида футбол бўйича ўсмирлар ўртасида «Умид кубоги» турнири ўтказилди.**

### ЧИРЧИҚДАН ХУШХАБАР

Ўзбекистон футбол федерацияси ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган турнирда барча вилоятлардан ташриф буюрган жамоалар ўзаро беллашдилар.

Якуний натижаларга кўра, муваффақиятли иштирок этган вилоятимиз жамоаси иккинчи ўринни эгаллади.

### ИЛҲОМ ВА ИЖОД БАЙРАМИ

**Бўстонлиқ туманидаги «Наргиз» соғломлаштириш оромгоҳида «Чорвоқ – 2006» болалар бадиий ижодиёти фестивали бўлиб ўтди.**

Унда тоғ ёнбағирларида дам олаётган ўсмирлар ўз иқтидорларини намоён этдилар. Ҳаваскорларнинг ижод намуналари ва изланишлари кўпчиликда илиқ таассурот қолдириб, ташкилотчилар томонидан муносиб баҳоланди.

**Мўмин ИБОДОВ.**

## Мустақилликнинг 15 йиллигига

### 2. ЮТУҚ КИМНИКИ? ОМИЛКОРНИКИ!

# Оҳангарон шаҳри: ҲАР ГЎШАСИДА ФАЙЗ, ЛАҲЗАСИДА ШИЖОАТ

**Оҳангаронни саноат шаҳри дейишади. Бу бежиз эмас, албатта. Нафақат вилоятимизда балки, республикада йирик ҳисобланган бир қатор ишлаб чиқариш корхоналари шу шаҳарда жойлашган. Булардан энг салмоқлилари «Оҳангароцемент» ва «Оҳангароншифер» корхоналаридир.**



Ушбу икки корхона Мустақиллик йилларида юртимиздаги кўплаб бунёдкорлик ишларига ўзининг муносиб улушини қўшди. Ўтган 15 йил ичида бу корхоналарга хориж сармояларини олиб кириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар янада кучайди.

Хусусан, яқинда Россиянинг «Евроцемент» компанияси билан имзоланган шартномага мувофиқ цемент заводи ўз фаолиятини янада кенгайтирадиган бўлди. Жумладан, белгиланган режалар амалга оша бошлагач, цемент ишлаб чиқариш ҳажми йилига қарийб 800 минг тоннага етади. Бу эса экспорт ҳажми яна ортади деганидир.

— Сўнгги пайтларда Оҳангарондан чиқаётган цемент ва шиферлар сифат жиҳатидан четдан олиб келинаётганларидан қолишмайдиган бўлди, — дейди қурувчи Дилшод Тўхтаев.

Шаҳарда бундан ташқари яна бир қатор қўшма корхоналар ҳам фаолият олиб бормоқда. Шулардан бири масъулияти чекланган «Gold Shift» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасидир.

— Оҳангарон темир-бетон заводи зарар билан ишлаб, ўз фаолиятини тўхтатгач, шу ерда қўшма корхона ташкил этиш таклифи билан чиқдик, — дейди корхона раҳбари Алишер Абдуллажонов. — Бугунги кунда юртимизда бунёдкорлик, қурилиш ишларининг тобора кенг қулоч ёйиб бораётгани ва шиферга бўлган талабнинг ортаётгани учун ҳам Америка билан ҳамкорликда шифер ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик.

Корхонага 2005 йилда асос солиниб, 127 минг 500 долларлик ускуналар келтириб, ўрнатилди. Келгуси йилда яна қўшимча 381 минг долларлик янги техника ва технологияларни келтириш режалаштирилган.

— Корхонамизда бир кеча-кундузда 5 минг дона шифер ишлаб чиқарилади, — дейди цех бошлиғи Зокир Туробов. — Ҳозир тўла қувват билан ишлаб, дастлабки маҳсулотларни сотувга чиқараяпмиз. Айни пайтда бозорда ўз ўрнимизни топиш учун рақобатбоп маҳсулот ишлаб чиқариш йўлида изланаяпмиз, сифатни кўтаришга ҳаракат қилаяпмиз.



*СУРАТЛАРДА: ООО «Gold Shift» корхонасида тайёр маҳсулот чиқарилмоқда; цех бошлиғи Зокир Тўронов ва оператор Мухитдин Жалилов маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда.*

Ҳозирги кунда корхонада 75 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Келгусида янги тармоқлар ишга тушгач иш ўринлари 125 тага етади. Ишчиларнинг моддий манфаатдорлиги ҳам ошиб бормоқда.

— Маошимиз 120 мингдан 500 минг сўмгача, — дейди оператор Муҳиддин Жалилов. — Қилган меҳнатимизга қараб даромадимиз ҳам ортиб бораверади.

Шаҳарда хусусий тадбиркорликка, айниқса, хусусий корхоналарда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Вилоят савдо-саноат палатаси бошқармасининг Оҳангарон шаҳар ахборот-маслаҳат маркази унитар корхонаси томонидан бу тармоқни ривожлантириш йўлида бир қатор амалий ишларга қўл урилди.

Шаҳарда 100 дан зиёд юридик мақомга эга ва якка тартибдаги 200 та тадбиркор фаолият олиб бораётган бўлса, улар сафини янада кенгайтириш, тадбиркорларга ҳуқуқий ҳамда амалий кўмак бериш марказ олдидаги муҳим вазифалардан бири бўлмоқда.

— «Ипотекабанк»нинг шаҳар бўлими билан кенг қамровли ҳамкорликни йўлга қўйганмиз, — дейди ахборот-маслаҳат маркази раҳбари Абдухалил Қобилов. — Шунинг самараси ўлароқ бир қатор хусусий тадбиркорларга иш бошлашлари учун амалий ёрдам берилди. Хусусан, тадбиркор Анвар Алиевга ғишт ишлаб чиқариш корхонасини барпо этиш, «Топсервис» корхонасига эса макарон ишлаб чиқариш тармоғини йўлга қўйиш учун кредит олишларида яқиндан кўмаклашдик. Шунингдек, «Эланс» кичик корхонаси ҳамда «Нодирабегим» шўъба корхоналарига ҳориж сармояларини киритишга оид саъй-ҳаракатларни давом эттираяпмиз.

Тумандаги «Анор», «Истиқлол» фермер хўжаликларида томат ишлаб чиқариш корхонасини қуришда ҳам марказнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, оҳангаронликлар ишлаган, меҳнат қилган инсон ҳеч қачон кам бўлмаслигини тушуниб етишди ва шу боис улар истиқлол берган имкониятлардан оқилона ва самарали фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар.

# ДЎСТЛИК МАСОФА БИЛМАС

***"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармасининг Токиодаги ваколатхонаси ҳамда Тошкентдаги Ўзбекистон-Япония инсон захираларини ривожлантириш маркази ҳамкорлигида Япония халқаро ҳамкорлик агентлигининг (JICA) бош қароргоҳи иштирокида ташкиллаштирилган Япония билан Ўзбекистон ўртасидаги телекўприк икки мамлакат муносабатларидаги ёрқин воқеа бўлди.***

Икки ярим соат давомида Япония жамоатчилиги ва маданият доиралари вакиллари, "Ўзбекистон-Япония" уюшмаси аъзолари ҳамда Токионинг "Аояма Гакуин" университети талабалари Ўзбекистондаги суҳбатдошлари билан бевосита мулоқот қилиш, ўзларини қизиқтирган масалалар юзасидан фикр алмашиш имкониятига эга бўлдилар. Кунчиқар мамлакат вакиллари "Табассум" ва "Тошкент зеболари" гуруҳлари ижросидаги ўзбек миллий куй ва рақсларидан иборат маданий дастурни завқ билан томоша қилдилар.

"ЖАЙКА Глобал Плаза" бош директори Такахиса Кусано "Жаҳон" ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатда ўзбек раққос ва раққосаларининг нафис ҳаракатларию дуторлардан таралган инсонни сеҳрловчи оҳанглар Токионинг қоқ марказидаги "ЖАЙКА Глобал Плаза" биносига йиғилганларнинг қалбида ажиб бир илиқлик уйғотганини таъкидлади.

**Акмалжон ҚЎЧҚОРОВ, «Жаҳон» АА мухбири.**

**Янгийўл шаҳрида амалий кўргазмали республика ўқув-анжумани бўлиб ўтди.**

# АЪЛО БАҲОЛАШДИ

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан уюштирилган бу анжуманда умумтаълим мактабларини топшириш-қабул қилиш жараёнида эътибор бериши лозим бўлган жиҳатлар атрофлича кўриб чиқилди.

Иштирокчилар шаҳардаги 10- ва 15-умумтаълим мактабларида олиб борилган капитал реконструкция ишлари билан танишиб, бу жараён аъло даражада амалга оширилганлигига тўла ишонч ҳосил қилишди.

10-мактабни туб таъмирлаш ишларига давлат бюджетидан 355,4 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Иккита ўқув биносига эга бўлган илм даргоҳида янги ўқув йилида 822 нафар ўқувчи билим олади.

**Акбар АЛИЕВ.**

# ҲОМИЙЛАР МАДАДИГА ТАЯНИБ

**Ўзбекистон байналминал жангчи-фахрийлар бирлашмаси Бекобод тумани бўлимида уруш фахрийлари, ногиронлар ва марҳум жангчиларнинг оилаларига моддий-маънавий кўмак бериш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётир.**

Айни чоғда бирлашма 400 нафардан зиёд собиқ фахрийларни ўз атрофига бирлаштирган ҳолда турли тадбирлар ўтказмоқда. Чунончи, айни шу ёз кунларида спорт-соғломлаштириш оромгоҳларида, дам олиш масканларида болалар ва ёшлар тарбиясига оид суҳбатлар, спорт-соғломлаштириш тадбирлари, тўгараклар ва клубларнинг машғулотлари ташкил этилмоқда.

Бирлашма ташаббуси билан Бекобод шаҳридаги 8- ҳамда Бекобод туманидаги 1- ва 4-болалар боғчаларида байрам учрашувлари ташкил қилиниб, болажонларга эсдалик совғалари улашилди. Шунингдек, тумандаги 14- ва 55-мактаблар ўртасида ўтказилган спорт мусобақаларига ҳам ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

Шаҳар ва туман мудофаа ишлари, ижтимоий таъминот бўлимлари билан ҳамкорликда иш олиб борилиб, ҳалок бўлган жангчилар оилалари ва ногиронлар ҳолидан ҳам хабар олинади. Бирлашма ташаббуси билан байналминал жангчиларнинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги байналминалчилар билан ҳамкорлик алоқалари яхши самара бераяпти.

— Тадбиркорлик фаолиятини ҳам йўлга қўйганмиз, — дейди бирлашманинг Бекобод туман бўлими раиси Муҳаммаджон Нишонов. — Тушган маблағ хайрия мақсадлари учун ишлатилмоқда. Келгусида эса, янги «Фахрий» дўконини очиб, ишга тушириш ниятидамиз.

**Ашурали БОЙМУРОДОВ.**

*Давра суҳбати*

# МУҲИМ ФИКРЛАР, ФОЙДАЛИ ТАКЛИФЛАР

**Қибрай тумани ҳокимлигида «Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланишида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўрни ва роли» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Тадбир Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг вилоят филиали, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Қибрай туман кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассосацияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Давра суҳбатида вилоят адлия бошқармаси, савдо-саноат палатаси вакиллари, Чирчиқ шаҳри ҳамда Қибрай ва Тошкент туманларида фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотлар, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Қибрай туман кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси Қибрай туман бўлими фаоллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикасининг демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг ўзига хос ва мос йўлидан изчил бораётгани бежиз эмас. Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, айнан шундай жамиятда қонун устуворлиги амалда таъминланиб, у инсоннинг ўзини ўзи камол топтиришига хизмат қилади, шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла рўёбга чиқишига ёрдам беради. Таъкидлаш жоизки, ушбу давра суҳбатини уюштиришдан мақсад ҳам Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотларни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қонунлари ҳамда меъёрий ҳужжатлари, мамлакат Президентининг ушбу масалага оид фармон ва қарорлари мазмун-моҳияти билан суҳбат иштирокчиларини мукаммал таништириш билан бир вақтда Нодавлат нотижорат ташкилотларни қўллаб-қувватлаш жамғармасидан грантлар олишнинг қонун-қоидалари ва ушбу ташкилотларни ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган долзарб муаммоларни ўрганиш, таҳлил этиш ва шулар асосида фойдали таклифлар тайёрлашдан иборат эди. Шунингдек, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Қибрай туман кенгаши, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг вилоят филиали ва Ўзбекистон Республикасининг Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий маркази билан вилоятдаги шундай ташкилотлар ўртасида ўзаро ҳамкорликни бундан буён янада мустаҳкамлаш ҳам кўзда тутилган эди.

Давра суҳбати қатнашчилари шу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг асосий фаолияти, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Қибрай туман кенгашида фуқаролар жамияти қуриш бўйича олиб борилаётган ишлар, тадбиркорлик субъектларида давлат текширувларини ўтказиш тартиби ва бошқа қатор муаммоларни атрофлича ва чуқур муҳокама этдилар.

**Ўз мухбиримиз.**

*Замондош*

# ДАРДИНГИЗНИ ОЛАЙ, АЁЛЛАР!

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўрингул ҳозир Ангрен ўсма касалликларининг олдини олиш ва беморларни соғломлаштириш марказида ишлайди.

— Шифохонамиз 2002 йилда ташкил этилган. «Оналик ва болаликни ҳимоя қилиш» дастурига кўра, бу ерда ҳам аёллар учун алоҳида малакали шифокор — онкогинеколог фаолияти зарур эди. Акушер-гинеколог сифатида анча-мунча тажрибам борлиги сабаб бўлса керак, мени шу ўринга лозим топишди. Ҳар қандай хасталикни даволашдан кўра, унинг олдини олган яхши. Буни ҳамма яхши билади. Лекин амал қилишмайди. Кўп аёллар кундалик рўзғор ташвишлари баҳона вақтида даволанишмайди. Бу эса, оғир оқибатларга олиб келиши мумкин.

**— Сизни кўпгина аёллар беозор, қўли енгил шифокор дея алқашади.**

— Унчалик эмасдиров. Лекин, мен ҳар қандай касални аввало ширин сўз, хушмуомала, самимият билан даволашга ҳаракат қиламан. Қолаверса, тиғ теккизмай қилинадиган муолажанинг афзаллигини тушунтираман. Тўғри, аввало ташҳис жуда чуқур бўлиши, аниқ таҳлилларга таяниш лозим. Ана шундан кейингина даво усули танланади. Кўп касалликлар асаб тизимининг бузилиши, қаттиқ таъсирланиш оқибатида пайдо бўлади, ривожланади. Ўсма касалликлари ҳам бундан мустасно эмас.

**— Баъзида жарроҳ аралашиши лозим бўлган ҳолларда ҳам беморлар сизнинг муолажангиздан сўнг шифо топиб кетишган экан...**

— Шундай ҳоллар ҳам учраб туради. Бир куни 30 ёшлардаги келин «Мени зудлик билан операция қилиш керак экан», деб йиғлаб келди. Уни юпатиш учун ҳам «Ҳали вақт борга ўхшайди, келинг, аввал шундай даволаб кўрайлик», дедим. Ўн кунлик муолажадан сўнг текшириш яхши натижа кўрсатди. Ҳозир шу аёл тўлиқ даволаниб, фарзандли бўлди.

Лекин ҳамма вақт ҳам шундай бўлавермайди. Айрим беморлар касалини ўтказиб юборганлиги сабабли операция қилишга тўғри келади. Лозим бўлса, вилоят онкодиспансерига юборамиз. Ўзимизда ўтказиладиган операцияларга марказнинг бош шифокори Муҳаммадали Жабборов доимо бош-қош. Тажрибали шифокор Кўчқор Оллобердиев, реанимотолог-анестезиолог Гулбаҳор Жабборовалардан беморлар миннатдор.

**— Ҳозир, бозор иқтисодиёти шароитида пуллик хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. Сизларда...**

— Инсонпарварлик тамойилларига асосланган жамиятимизда энг аввало ҳимояга муҳтож одамларга меҳр-мурувват кўрсатилади. Марказимизда беморлар бепул даволанишади. Давлатимизга раҳмат, шифохонамизни зарур бўлган дори-дармон, асбоб-анжом, жиҳозлар билан таъминлайди.

40 ўринли шифохонада асосан ўсма касалликларига чалинган беморлар даволанади. Ҳамиша мурожаат қилиб келган беморларни ноумид қайтармасликка ҳаракат қиламиз.

**— Юқорида таъкидланганидек, касални даволашдан кўра, унинг олдини олиш осонроқ. Шу маънода аёлларга маслаҳатингиз?**

— Тан олиш керак, ҳозир ер юзи аҳолиси ҳаётига таҳдид солаётган омиллардан бири саратон касаллигидир. Бу дард ўз вақтида аниқланса, уни даволаш мумкин. Ўтказиб юборилса, фожиадан қочиб қутулиш қийин. Аёлларимиз, айниқса, 40 ёшдан кейин ҳар олти ойда, жуда бўлмаганда бир йилда бир маротаба албатта шифокорга кўриниб туриши зарур...



Бир кунлик чақалоқни бағрига олган меҳри дарё инсонлар туфайли ҳаётда ўз ўрнини топган Ўрингул оилада ҳам севимли ёр, меҳрибон она. Унинг фидойилиги, жонкуярлиги тўнғичи Динорага ҳам ўтган. У ҳам шифокорликка меҳр қўйди. Укаси Ҳасанжоннинг хаста кўнглини кўтариб, парваришлар экан, болалар шифокори бўлишни ният қилди. Ҳозир Тошкент педиатрия институтининг 3-курс талабаси. Оиланинг учинчи фарзанди — 14 ёшли Жавоҳирбек ҳам акаси Ҳасанжон оёққа туриб, юриб кетишини жуда-жуда истайди. «Келажакда хирург бўламан, акамни ҳам даволайман», дейди у. Кенжа ўғил Жасурбекнинг нияти эса, дадаси Каримжон Нурматовдек муҳандис-энергетик бўлиш, одамлар ҳаётига нур бағишлаш.

Ҳа, «Ватан остонадан бошланади» дейишади. Бу меҳр-мурувватли, файзли хонадонда мустақил Ўзбекистоннинг муносиб фарзандлари ўсиб-улғаяётир.

Мустақиллигимизнинг қутлуғ 15 йиллиги ҳақида Ўрингулнинг мулоҳазалари кўплар учун сабоқ бўлишга арзигулик:

— Мен айни мустақиллик йилларида шифокор сифатида шаклландим, элга танилдим. Демак, ўз касбимни севиб, ардоқлаб ишлашим учун шароит, муҳими имконият берилган. Қисқаси, ҳур Ўзбекистонимизни тенглар ичра тенг бўлиб, дунёда энг тараққий этган мамлакатлар қаторидан жой олиш учун биз ҳар биримиз, қайси касб эгаси бўлишимиздан қатъи назар, астойдил курашишимиз, ўзимизнинг муносиб улушимизни қўшишимиз лозим.

**Сайёра РИХСИЕВА, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

# «ИШИМДАН ЖУДА МАМНУНМАН»

**Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси томонидан янги иш жойларини кўпайтириш, ёшларни касбга йўналтиришга қаратилган ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада айниқса, жойларда ўтказилаётган меҳнат ярмаркалари алоҳида ўрин тутади.**

– Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятда етмишта меҳнат ярмаркаси ташкил этилди, – дейди мазкур бошқарма бошлиғи Х. Исамуҳаммедов. – Уларда мингга яқин корхона ва ташкилот беш мингдан ортиқ иш жойи билан иштирок этди.

Ярмаркаларга жалб қилинган талабгорлар сони тўрт мингдан ошган бўлса, шулардан икки минг нафаридан ортиғи ишли бўлди. Яна шунча фуқаро ишга жойлашишга доир йўлланма олди. Бир ярим мингдан ортиқ кишига эса ишга жойлашиши учун зарур йўлланма ва маслаҳатлар берилди.

– Меҳнат ярмаркасига таклиф қилишганида, – дейди Зангиота туманидаги "Эркин" қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи Хайрулла Исмоилов, – музқаймоқ ишлаб чиқарадиган "Сингапур-Самарқанд" қўшма корхонасининг туманимиздаги бўлими менга ҳар жиҳатдан маъқул бўлди. Ҳозир ўша ерда қадоқловчи бўлиб ишлаяпман. Ишимдан жуда мамнунман.

**Лутфулла СУВОНОВ, ЎзА мухбири.**

# ДИҚҚАТ, КИМОШДИ САВДОСИ!

**Судлар департаментининг Тошкент вилояти худудий бўлими Ангрен шаҳар суд ижрочилари бўлинмаси иш юритувида мавжуд бўлган Тошкент вилояти хўжалик судининг ижро ҳужжатларига асосан қарздор корхоналарга тегишли бўлган қуйидаги автотранспорт воситалари бўйича кимошди савдосини ўтказади:**

| Т/р | Суд ижрочилар бўлинмаси | Транспорт воситасининг русуми | Ишлаб чиқарилган йили | Давлат рақами | Техник ҳолати | Бошланғич баҳоси (сўм) | Кимошди савдоси белгиланган сана |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Ангрен шаҳри | Нексия | 2001 й. | 11 AI 177 | Носоз ҳолда | 3.687.487.50 т. | 07.09.2006 й. |
| | | Нексия | 2002 й. | 11 AJ 239 | Соз ҳолда | 4.240.028 | 07.09.2006 й. |
| | | Нексия | 1997 й. | 11 TV 025 | Носоз ҳолда | 2.282.160 | 07.09.2006 й. |

Кимошди савдосида қанашиш истагини билдирган шахслар эълонда кўрсатилган шаҳар суд ижрочилари бўлинмасига кимошди савдоси ўтказилишига 3 кун қолганга қадар ариза билан мурожаат қилиб, савдога қўйилган автотранспорт воситасининг бошланғич нархидан 10 фоиз микдоридаги тўловни амалга оширишлари лозим.

Аризалар қабул қилиш кимошди савдосига 3 кун қолганда тўхтатилади.

Кимошди савдоси Тошкент шаҳри, У. Носир кўчаси, 93-уй, Судлар департаментининг Тошкент вилояти худудий бўлими биносида соат 10.00 да бошланади.

